

УЎК:633.2

**ТАКРОРИЙ БУРЧОҚ ВА ТРИТИКАЛЕНИ ЭКИШ УСУЛИ, УРУҒ
САРФИ ВА ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТУПРОҚДА ҚОЛДИРГАН
АНГИЗ ИЛДИЗ ҚОЛДИҚЛАРИГА ТАЪСИРИ**

Асатиллаев Фурқатжон Рахматиллаевич

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Дехқончилик ва ўрмон мелиоратция” кафедраси катта ўқитувчиси.

Қамбаров Шоятбек Нематжон ўғли

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси.

Абдурашидов Жавлонбек Боходиржон ўғли

Андижон кишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси.

АННОТАЦИЯ.

Бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб экиш хисобига юқори меъёрда ангиз илдиз қолдиқлари қолиши учун қатор ораси 60 см хар қаторда уруғ сарфи 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, N_{100} , P_{70} , K_{50} кг/га фонида ўстириши мумкин. Бу вариантларда олинган жами ангиз ва илдиз қолдиқлари миқдорларини бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб, 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 60 см хар қаторда экилгандаги билан таққосласак, 1,6-1,7 ц/га камроқ эканлиги аниқланди.

***Калит сўзлар:** Такрорий экин, бурчоқ, тритикале, экиш усули, уруғ сарфи, ўғит меъёри, ангиз илдиз қолдиқлар.*

КИРИШ. Республикамизда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича илмий асосланган жадал технологиялардан фойдаланиб кўп тармоқли, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини озуқа базасини мустаҳкамлашда суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиб, озуқабоп

экинлардан юқори ҳосил олишда озучабоп экинларни экиш (аралаш, зичлаштирилган) усулларини қўллаб минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиб, ҳар бир гектар ердан олинадиган озуча бирлигини қўпайтириш, таннархини камайитириш ва уларнинг сифатини яхшилаш бугунги куннинг зарур масалаларидандир.

Г.Ш.Ўринбоеванинг [60; Б-165] Фарғона вилоятини ўтлоқи соз кучсиз шўрланган тупроқлари шароитларида ўтказган тажрибаларида такрорий экинлар-маккажўхори, мош, ловия ва соядан уч йилда ўртача мутаносиб равишда 38,2; 15,5; 12,7 ва 23,3 ц/га дон ҳамда 307,3 (кўк масса), 32,2; 12,3 ва 33,5 ц/га пичан ҳосили олиш мумкинлиги, уларни анғиз ва илдиз қолдиқлари жами 52,2; 45,5; 32,9; 42,4 ц/га ни ташкил қилган ҳолда таркибида 15,8; 65,2; 34,8 ва 39,6 кг умумий азот тўпланиши аниқланди.

Бизни тадқиқотларда эса 2008 йилни шароитида кузги буғдой (такрорий экинлардан олдин) 15,2 ц/га анғиз ва 19,1 ц/га илдиз қолдиқларини (34,3 ц/га) тўпланганлиги аниқланди. Мана шу майдонга хайдов ўтказилиб ерни экишга тайёрлаб, бурчоқни алоҳида 250 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 15см қатор оралатиб, маъдан ўғитларни N_{100} , P_{70} , K_{50} ва N_{130} , P_{90} , K_{65} кг/га меъёрлари фонидан фойдаланиб амал даври охирида ўғит меъёрларига мутаносиб равишда 24,2-31,0 ва 25,6-31,8 жами 55,1-57,4 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқларини тўплаганлиги аниқланди.

Демак, бурчоқни такрорий экин сифатида экилса ҳам кузги буғдойдан 20,8-23,1 ц/га ортиқча органик қисм қолдириши кузатилди. Бурчоқ ўсимлигини алоҳида 250 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторга юқоридаги тадбирларни қўллаб экилганда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 25,0-32,3 ва 25,3-32,8 ц/га ни жами эса 57,3-58,1 ц/га ни ташкил қилиб, қатор ораси 15 см қатор оралатиб экилган ҳосилдорликка нисбатан жами 2,2-0,7 ц/га юқори бўлди.

Таъкидлаб ўтамизки бурчоқни ўсиб ривожланишида экиш усулларининг самарали таъсири туфайли ўсиши ва ривожланиши, кўк массаси яхши ривожланиб, ва илдиз қолдиқларининг миқдорлари ҳар иккала қатор оралиғи (15 ва 60 см) бир биридан кескин фарқланмай деярли тенг бўлди.

Бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб 250/200, 150, 100 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 60см ҳар қаторга экилган вариантларда, қўлланилган ўғит меъёрлари N_{100} , P_{70} , K_{50} ва N_{130} , P_{90} , K_{65} кг/га мутаносиб равишда анғиз ва илдиз қолдиқлари 36,5-48,9; 36,6-49,8; 36,3-47,8 ц/га ва 36,8-49,0; 36,8-49,9; 37,0-48,1 ц/га ни жами эса 85,4; 86,4; 84,1 ва 85,8; 86,7; 85,1 ц/га ни ташкил қилди.

Сарфланган уруғ меъёрлари орасида 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, ўғит эса N_{100} , P_{70} , K_{50} бўлганда нисбатан 0,1-0,9 ц/га жами 1,0 ц/га ортиқча бўлди. N_{150} , P_{90} , K_{65} кг/га меъёрда қўлланилганда, қўшимчаси жами 0,9 ц/га ни ташкил қилди. (3.18-3.19 жадваллар ва 28-илова).

Лекин, бурчоқни алоҳида экилган (2 ва 3) вариантларга нисбатан, бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб 250/150кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 60см ҳар қаторга экилганда анғиз ва илдиз қолдиқларининг миқдорлари 12,4-11,6; 18,8-17,5 ц/га жами 31,3-29,1 ц/га ортиқча бўлди.

Демак, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида ва кўпроқ кўк масса ҳосили олиш учун бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб экиш кераклиги исботланди.

Бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб, қатор ораси 15см қатор оралатиб экилган вариантларда (7-9 ва 16-18) уруғ ва ўғит меъёрларига мутаносиб равишда анғиз қолдиқлари 36,5; 36,8; 35,9 ц/га ни ва 37,0; 36,8; 35,1 ц/га ҳамда илдиз қолдиқлари 47,3; 48,0; 47,7 ва 48,2; 48,2; 48,3 ц/га ни ташкил қилиб, жами 83,8; 84,8; 83,6 ва 85,2; 85,0; 83,4 ц/га тенг бўлди.

Бу кўрсаткичлар орасида бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб, 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 15 см қатор оралатиб, экилган вариантларда (8 ва 17) нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Бу вариантларда олинган жами анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдорларини бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб, 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторда экилгандаги билан таққосласак, 1,6-1,7 ц/га камроқ эканлиги аниқланди.

Демек, такрорий экинларни энг юқори анғиз ва илдиз қолдиқларининг массаси (86,4 ц/га) бурчоқни тритикале билан биргаликда қўшиб, 250/150 кг/га

уруғ сарфлаб, қатор ораси 60 см ҳар қаторда экиб, минерал ўғитларнинг N_{100} , P_{70} , K_{50} кг/га фонида ўстирилганда кузатилди. 2009-йилни шароитларида кузги буғдойни тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари мутаносиб равишда 16,8 ва 20,1 ц/га, жами 36,9 ц/га ни ташкил қилиб, 2008-йилга нисбатан 1,6 ва 1,0 ц/га жами эса 2,6 ц/га юқори бўлди.

1-жадвал

Бурчоқ ва тритикалени тупроқда қолдирган анғиз ва илдииз қолдиқларига экиш усуллари, меъёрлари ва ўғитларнинг таъсири (ц/га)

Вариант тартиби	Экин турлари	Экиш усуллари	Экиш меъёрлари, кг/га	Анғиз қолдиқлари	Илдииз қолдиқлари	Жами
1	Назорат	Экинсиз	-	15,2	19,1	34,3
2	Бурчоқ	Қатор ораси 15см қатор оралагиб экилди (60x30)	250	24,2	31,0	55,1
3	Бурчоқ	Қатор ораси 60см хар қаторга экилди (60x60)	250	25,0	32,3	57,3
4	Бурчоқ ва тритикале кўлиб	Қатор ораси 60 см хар қаторда экилди (60x60)	250/	36,5	48,9	85,4
5			250/	36,6	49,8	86,4
6			250/	36,3	47,8	84,1
7			200	36,5	47,3	83,8
			Ўғит меъёрлари N ₁₀₀ , P ₇₀ , K ₅₀ кг/га			

18	17	16	15	14	13	12	11	10	9	8
Бурчоқ ва тритикале кўчиб экилган										
Қагор ораси 15 см қатор оралатиб экилди (60x30)										
250/	250/	250/	250/	250/	250/	250	250	-	250/	250/
100	150	200	100	150	200	250	250	-	100	150
35,1	36,8	37,0	37,0	36,8	36,8	25,3	25,6	-	35,9	36,8
48,3	48,2	48,2	48,1	49,9	49,0	32,8	31,8	-	47,7	48,0
83,4	85,0	85,2	85,1	86,7	85,8	58,1	57,4	-	83,6	84,8
Қагор ораси 60 см қаторда экилди (60x60)										
Қагор ораси 60 см хар қаторга экилди (60x60)										
Қагор ораси 15 см қатор оралатиб экилди (60x30)										
Экинсиз										
Ўғит меъёрлари №130, Р90, К65 кг/га										

Эслатма: Назорат вариантыда кузги буғдойни анғиз ва илдиэ қолдикларининг миқдори келтирилган.

2009-йилни шароитларида кузги буғдойни тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари мутаносиб равишда 16,8 ва 20,1 ц/га, жами 36,9 ц/га ни ташкил қилиб, 2008-йилга нисбатан 1,6 ва 1,0 ц/га жами эса 2,6 ц/га юқори бўлди. Бу эса 2008-2009 йилни куз-қиш-баҳор ойлари кузги буғдой учун қулай келганидан дарак беради. Лекин, такрорий экинларни экиш усуллари, меъёрлари ва ўғитлардан қатий назар 2009-йил шароитида олинган маълумотлар кўрсаткичидан камроқ бўлганлиги аниқланди. Демак, 2009-йил ёз-куз ойларини иқлими такрорий экинлар учун бирмунча ноқулай келганлигидандир.

Таъкидлаб ўтамизки, бизни тадқиқотлар ҳар йили янги далада олиб борилганлигига қарамай, бу далалар тупроғининг унумдорлиги бир-бирига яқин бўлган эди. Қолаверса, 2010 йилда ўтказилган дала тажрибаларидан олинган маълумотларнинг кўрсаткичлари бироз юқори бўлди. Шундай қилиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтлоқи соз, кучсиз шўрланган оғир механик таркибли тупроқлар шароитларида кузги буғдойдан сўнг 16,8 ва 26,1 ц/га анғиз ва илдиз қолдиқлари (жами 36,9 ц/га) қолиши ва бу қолдиқларни чириш натижасида тупроқ унумдорлигига мақбул таъсир кўрсатиши аниқланди.

Лекин, кузги буғдойдан сўнг бурчоқни алоҳида 250 кг/га уруғ сарфлаб, минерал ўғитларни N_{100} , P_{70} , K_{50} кг/га, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилган фонида ўстирилса 22,0 ц/га анғиз ва 31,0 ц/га илдиз қолдиқлари (жами 53,0 ц/га) қолганлиги аниқланди. Бурчоқни тритикале билан биргаликда кўшиб, 250/150 кг/га уруғ сарфлаб, минерал ўғитларни N_{100} , P_{70} , K_{50} кг/га, қатор ораси 60 см ҳар қаторга экилган фонида ўстирилса амал даври охирида тупроқни хайдов қатламида 36,4 ц/га анғиз ва 47,8 ц/га илдиз (жами 84,2 ц/га) қолдиқлари тўплаши натижасида тупроқ унумдорлиги ошиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўринбоева Г.Ш. Такрорий экинлар ва ўғит меъёрларининг кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсири, қ.х.ф.номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Ташкент. 2010. 165.

2. Иминов А.А. Экиш меъёрлари ва такрорий экинларнинг кузги буғдой тупроқда қолдирган анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдорига таъсири. //Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари. Ташкент. 2006. 433-434-б.

3. Эрназаров Ш.И., Негматова С.Т. Анғиз-унумдорликни ошириш манбаи. //Ўзбекистон жанубида фермерликни ривожлантириш муаммолари. Қарши. 2006. 59-60-б.

4. Избасаров Б. Такрорий экинлар анғиз ва илдиз қолдиқлари ҳамда озиқа элементлари. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 11-сон. 2016. Б